



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
B U Y R U G ‘ I**

20 21 yil “26” 08

№ 212

Toshkent sh.

**Даволаш-профилактика муассасалари учун клиник баённомаларни
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-5130-сон қарори ижросини таъминлаш, халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган клиник баённомаларни амалиётга татбиқ этиш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида **буюраман**:

1. Куйидагилар:

Ўсма олди касалликлар ва хавфли ўсмаларни диагностика ва даволаш клиник баённомалари тўплами 1-иловага мувофиқ;

Гематологик касалликларни диагностика ва даволаш клиник баённомалари тўплами 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (М.Тиллашайхов), Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази (А.Исламов) мазкур буйруқ билан тасдиқланган баённомаларни вилоят, туман (шаҳар) миқёсида тегишли тиббиёт муассасаларига етказилишини, амалиётда кенг татбиқ этилишини ҳамда баённомалардаги тартиб ҳамда кўрсатмалардан тўлиқ фойдаланишни ташкил этсинлар.

3. Фан ва таълим бошқармаси (А.Махмудов) мазкур буйруқ билан тасдиқланган баённомаларни 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббий олий таълим муассасаларининг бакалаврият, магистратура, клиник ординатура босқичлари, шунингдек шифокорларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларига киритилишини таъминласин.


4. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқларига иловаларда тасдиқланган баённомаларни тегишли даволаш-профилактика муассасаларида амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

5. Тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи (М.Нарзиев)га бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари режали ва режадан ташқари текширишларида иловага мувофиқ тасдиқланган баённомаларнинг тиббиёт амалиётига татбиқ этилиши ва унга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиш вазифаси юклансин.

6. IT-MED МЧЖ (Б.Хасанов) иловаларда тасдиқланган баённомалар тақдим қилингандан сўнг вазирлик веб-сайтига жойлаштириш чораларини кўрсин.

7. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А. Хаджибаев